БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 11 август Шанба
№ 151 (13.587).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Биринчи саҳифага мактуб

УМИДИМИЗ — СЪЕЗДДАН

Ўзбекистон ЛКЁИнинг навбатдаги съездини чақириш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарор ўз вақтида қабул қилинди деб, ўйлайман. Чунки ҳозирги кунда олдимизда ҳал қилиш керак бўлган бир қанча муаммолар кўндаланг ётибди.

Муаммоларни ҳал қилишда жумҳурият комсомол ташкилотининг олдида турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш зарур бўлади. Бу ўринда съезддан умидимиз катта. Мен съезд делегатларининг эътиборларини қуйидаги муаммоларга ҳам қаратмоқчиман.

Барчамизни қийнаётган энг ташвишли дардимиз «Орол муаммоси». Бу ҳақда биз кейинги йилларда кўп гапиряпмиз ва ёзаяпмиз. Муаммони жаҳон муаммоси даражасига олиб чиқиш учун ҳаракат қилинаяпти. БЛКЁИ XXI — съезди «Орол муаммоси» тўғрисида ўз фикрини билдирди. Аммо КПСС-нинг XXVIII съездида Оролни сақлаш бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинмади.

Агар биз — ёшлар қатъий курашмасак, аждодларимиздан «мерос» қолган ярим қуриган Оролни авлодларимизга «Қизил китоб»дагина номини қолдиришимиз мумкин. Буни улар кечирармиканлар?

Ҳозирги кунда нафақат сувдан ёки ҳаводан заҳарланмоқдамиз. Айни пайтда тановвул қилаётган мева-сабзавотдан, полиздан ҳам заҳарланиш ҳоллари кўп учрамоқда.

Шунинг учун Ўзбекистон Президентига керакли вазирликлар олдига минерал ўғитларни ишлаб чиқаришни умуман тўхтатиш талабини қўйиш зарур деб, ҳисоблайман. 30 центнер ҳосил олмасак, 20 центнер олармиз. Лекин еб-ичадиганимиз тоза бўлади.

Энг муҳим муаммолардан бири — бозор иқтисодига ўтишдир. Съездда худди шу сиёсатда Ўзбекистон ЛКЁИнинг ўрни ва ролига алоҳида эътибор бериш керак.

Ёшларимизнинг аксарияти кам даромадли. Агарда иқтисодий сиёсат натижасида ишсизлар ортса, бу ишсизлар армияси асосан ёшлар ҳисобига ўсади. Чунки корхона ва ташкилотлар малакали, кўп стажли ишчиларни олиб қоладилар. Бу эса ёшлар ўртасида шундоқ ҳам кўпайиб бораётган жиноятчиликни кучайтиради.

С. ЭРГАШЕВ,
Фарғона вилояти Риштон ноҳиясидаги «Партия XXV съезди» давлат хўжалиги комсомол ташкилоти котиби.

СССР Вазирлар Кенгашида

ДАЛА ВА ФЕРМА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЯНГИ ХАРИД НАРХЛАРИ

СССР Вазирлар Кенгаши 1991 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлатнинг янги харид нархларини жорий этиш тўғрисида 9 август куни қарор қабул қилди. Харид нархлари Иттифоқ даражасида бозор муносабатларига ўтиш даврига мўлжаллаб маҳсулотларнинг чекланган рўйхати бўйича тасдиқланди.

Ҳукумат кунгабоқар, қанд лавлаги, пахта, зиғир маҳсулотлари, тамаки, навли чойбарги, чорва моллар ва парранданинг асосий турлари, сут ва қаймоққа харид нархи белгилади. Бу нархлар ўртача 32 фоиз оширилади. Маълумки, май ойида доннинг янги нархи жорий этилган эди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қолган барча турлари ҳамда хом ашё учун харид нархларини белгилаш тартибини ва даражасини бундан буён Иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари белгилайдилар. Қишлоқ хўжалиги билан бошқа тармоқлар ўртасида айрибош қилишнинг зарур баравар миқдорини сақлаб туриш учун ана шу нархларни ҳар йили ўзгартириш механизми кўзда тутилган.

СССР Вазирлар Кенгаши тасдиқлаган давлат харид нархлари саноат маҳсулотларига ва хизматга янги улгуржи нархлар ва тарифлар, солиқ солиш, суғуртанинг ўзгариши ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарининг бюджетлар билан бошқа ўзаро муносабатлари ўзгариши билан мувофиқлаштирилган бўлиб, хўжалик ҳисоби қоидалари асосида ишлаш учун яхши шароит яратади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ РАИСИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг тўртинчи сессияси 1990 йил 10 сентябрь куни Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Советининг Раиси А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 10 август.

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ БУТУНИТТИФОҚ ЙИҒИНИГА

МАКТУБИ

Қадрли болалар! Учрашувга таклиф этганингиз учун сизларга миннатдорчилик билдираман. Аммо вазият тақозоси билан учрашувга бора олмаслигим сабабли ушбу мактубда баъзи фикрларни ўртоқлашишга аҳд қилдим.

Сизларнинг мактубингиз ва «Орлёнок» лагерида бўлган ўртоқларнинг ҳикояларидан сизлар нима учун тўпланганлигингиз ва бир ой давомида нима иш қилганлигингиздан хабардор бўлдим. Сизларнинг масалаларга жиддий ва кенг кўламда ёндашувингиз менга маъқул бўлди. Ишингиздаги жўшқин, дадил ва ошкора фикр айниқса, ишонч бағишлайди.

Сизлар — деярли одат бўлиб қолган онг чекланганлигидан, ўзни эркин ҳис этмаслик зарарли психологиясидан, хилма-хил инсоний қадриятлар тўғрисидаги нотўғри тасаввурдан, эҳтимол, биринчи бўлиб халос бўладиган авлодсиз.

Мен буларнинг ҳаммасида қайта қуришнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган натижасини сезиб турибман. Сизлар мамлакат муаммоларини ўзингиз дахлдор деб билаётганингиз, сизларнинг фаол граждандлик позициянгиз, ана шу муаммоларни ҳал этиш йўлларини қидириб топишни ўз зиммангизга олишга тайёр туришга интилишингиз мамлакатимиз иқтисодиётда ҳам, кўп миллатли ҳамдўстлигимизнинг давлат шаклларида ҳам, бутун жамиятни янада демократиялаш соҳасида ҳам чуқур ўзгаришлар арафасида турган пайтда айниқса, муҳимдир.

Биз ана шу ғоят масъулиятли босқичдан қандай ўтишимиз мамлакатнинг кўп йилларга ва ўн йилларга мўлжалланган тақдирини, жумладан, сизларнинг авлодингиз тақдирини белгилаб беради.

Ҳозир сизлар ана шу ўтиш даврининг қийинчиликлари ҳақида эшитибгина қолмай, балки ўзингиз ҳам уларга амалда дуч келяпсиз. Эҳтимол, сизларни кўп нарсалар ташвишлантираётгандир. Бироқ, шу билан бирга сизлар омадлисизлар. Сизлар жамиятда ғоят турли-туман хабарлар оқими, жумладан, янги жиддий билимлар, ўзига хос фикрлар, ғоялар, ўтмишга ва келажакка танқидий қайта баҳо беришлар, қалбларни изтиробга соладиган фикрлар кўчкидек ёғилаётган бир пайтда инсон сифатида камол топаяпсиз. Сизлар нимага ишонишимиз, ҳаётда нималарга эга бўлишимиз керак деб, нималар эса биз учун ёт нарса, деб саросимага тушмаслигингиз керак. Сизлар ана шундай ахборотлар оқимида ҳамма нарсани рад этишдек маънавий бебошликка, айниқса ёшлик пайтида хатарли бўлган, тобора сурбетликка айланаётган бемаъни танқидбозликка берилмаслигингиз муҳимдир. Тўғри, биз тангликни бошдан кечиряпмиз, лекин бу ҳалокат эмас, мамлакатни янгилаш ва ёшартириш йўлидаги қийин довондир.

Сизларнинг авлодингизни мустақил фаолиятга жалб этиш қайта қуриш билан бир пайтга тўғри келди. Қайта қуришнинг мазмуни танланган социалистик йўл доирасида жамиятда эркинлик, демократия, ошкораликни қарор топтириш, одамлар ўртасидаги барча муносабатларни инсонпарварлаштириш йўлида инқилобий ўзгаришларни амалга оширишдан иборат. Биз инсон манфаати йўлида иқтисодий ва сиёсий жараёнларни авж олдира бориб, қайта қуриш орқали турмушнинг янги шакллари сари бораяпмиз. Биз 1917 йил октябрь ойида мақсад қилиб қўйилган, бироқ, амалга ошмаган муддаоларни рўёбга чиқаришни, социалистик идеал манбаларига қайтишни, ва ниҳоят, инсоннинг ишлаб чиқариш воситаларидан, ҳокимиятдан, маданиятдан бегоналашувига барҳам беришни истаймиз. Қайта қуриш ғоясининг асосий моҳияти мана шундадир.

Қайта қуриш шахснинг камол топиши, ўзини намоён этиши учун, одамларда чинакам инсоний фазилатларни шакллантириш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Улуғвор давр жамиятнинг барча табақаларига, айниқса мустақил ҳаётга қадам қўйётган сизларга нисбатан катта талаблар қўяди. Ҳозирги ўтиш даврининг барча қийинчиликлари ва хавф-хатарларига қарамай, биз бу йўлни босиб ўтишимиз керак ва ундан ўтишимизга, бардош беришимизга ва муваффақиятни таъминлашимизга аминман.

Мактаб ҳам бошқача бўлиши лозимлиги тушунарлидир. Қайта қуриш мактабга, ўқитувчиларга нисбатан жуда катта ва ўзига хос талаблар қўймоқда. Ҳар қандай янги жамият пировардида мактаб орқали, таълим орқали муваффақиятга эришади. Ҳозир биз учун аллақачон айтилган бу ҳақиқат ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Мактабларимизнинг аҳволи тўғрисидаги — уларнинг моддий таъминоти, шунингдек кадрлар тўғрисидаги танқидий мулоҳазаларингизга қўшиламан. Мактаб билан боғлиқ муаммоларнинг бутун аҳамиятини ва қонун чиқарувчи ҳамда ижрочи олий идоралардан тортиб, вилоят, ноҳия, шаҳар ва қишлоқлар даражасидаги барча раҳбарларнинг ана шу муаммолар ҳал этилиши учун бутун масъулиятини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Бу — умумхалқ вазифасидир. Бу борада давлат дастури бўлиши лозим. Ҳозирдаёқ бундай дастур тайёрлана бошлади.

Бироқ сизларга мурожаат қилар эканман, кўп нарса сизларнинг ҳам зиммангизга тушишини айтмоқчиман. Агар сизлар давлатга нисбатан фақат талаб қилувчи мавқеида бўлсангиз, биз ҳозир тушиб қолган қийин аҳволдан узоқ вақт чиқа олмаймиз. Жамиятнинг маънавий даражасини оширишга оид қийинчиликларнинг бир қисмини ўз зиммангизга олишингизга тўғри келади, бусиз мамлакатни маънавий жиҳатдан қайта тиклаб бўлмайди, жамият учун ҳаётий зарур бўлган илмий, техникавий ва умуман ижтимоий тараққиёт жўшқинлигини таъминлай олмаймиз.

Ҳозирги вақтда энг тақчил нарса — бу маданият тақчиллигидир. Турмушимиздаги, жумладан, миллий заминдаги кўпгина кулфатлар, ихтилофлар, ҳатто жиноятларнинг сабаби мана шунда, деб ўйлайман. Маданият тақчиллигига барҳам бериш учун маданиятни эгаллашдан бошқа восита йўқ. Энг таъсирчан, ҳамма нарсани энг яхши тарзда қабул қиладиган, бундан кейинги бутун ҳаётда зарур маънавий ва ахлоқий бойлик орттиришнинг айни пайти бўлган сизларнинг ёшингизда бу, айниқса, муҳимдир.

Ҳамма нарсада бардошли бўла олишингиз даркор. Фақат китоб билан ошно бўлган пайтлардагина эмас, айни вақтда дўстлар ва ота-оналар, муаллимлар билан мулоқотда, кўпчилик орасида ва мунозараларда хилма-хил ва бой маънавий бойликдан ҳамма нарсага ўз муносабатингизни шакллантирасиз, ўзингизда маданий фазилатларни ҳосил қиласиз. Бу эса кейинчалик тобора янги-янги билимлар билан бойиб, сизларнинг ҳаётингизни мароқли, ўзингизни эса кўп йиллар давомида одамлар учун зарур кишиларга айлантиради.

Ана шундай шахсий фазилатларни шакллантиришда ёшлар ташкилотлари, улар орасида комсомол сингари сиёсий ташкилот жуда катта ўрин тутишига аминман.

Яна бир нарса тўғрисида гапирмоқчиман. Биз нимага интилаётган бўлсак, олға томон боришимизга, ўтмишимизни хиралаштирган иллатлардан, унинг оғир меросидан покланишга халақит бераётган нарсалардан халос бўлишга азму қарор берганлигимиз, ҳар қандай қийинчиликларни енгишга ва ҳеч қандай кучни аямасликка тайёр эканлигимиз — буларнинг ҳаммаси ватанпарварлик, ўз ватанимизни, ўз халқимизни, халқларимиз ҳамдўстлигини бахтиёр ва гуллаб-яшнаган ҳолда кўриш истаги сингари буюк туйғу билан ҳаракатга келади. Бундай туйғуга эга бўлмай туриб, мамлакатимиз олдида турган улкан вазифаларни уддалай олмаймиз. Сиз, ёшлар ўз ғайратингиз, адолатга, ор-номусга, виждонлиликка нисбатан ёшликка хос қатъиятингиз билан бу туйғуни кучайтиришингиз керак.

Сизларнинг ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бирдамлик ва муваффақият тилайман. Буюк қайта қуриш ишига фаол қўшилишингизга умид қиламан.

М. С. ГОРБАЧЕВ.

Бугун—Физкультурачилар куни

ЧАҚМОҚ

Сиз қорачадан келган бу қизчани албатта, танимайсиз. Балки яқин келажакда танилиб ҳам кетар. Эҳтимол, фахримизга айланиб қолса, ажаб эмас...

Муҳаррам Асилова Тошкентдаги 87-ўрта мактабнинг еттинчи синфида ўқийди. У шу йилнинг апрель ойида Украинада бўлиб ўтган сузиш бўйича Бутуниттифоқ мусобақасининг ғолиби бўлиб қайтди. Июнь ойида эса Шотландияда ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллаб, олтин медаль билан тақдирланди. Ҳозир Ғарбий Германияда ўтказиладиган яна бир нуфузли мусобақага тайёрланяпти.

Мен шу вақтга қадар ўзбеклардан чиққан саноқлигина спортчи-қизларни биламан. Ёш авлод орасида етишиб келаётган ана шундай «чақмоқ»лар ҳам кўринмайди.

— Сузиш тўгарагидаги дугоналарим орасида ўзбек қизлари жуда кам эди, — деб ҳикоя қилади Муҳаррам. — Жисмонан тайёр бўлмаганлиги учун уларни терма командага қабул қилишмади. Командага олинган битта дугонамга эса ота-онаси рухсат бермади...

Муҳаррамнинг ўзи ҳам Митрафонов номидаги жумҳурият сув ҳавзаси қошидаги сузиш тўгарагига тасодифан келиб қолди. Бунга ана шу тўгаракда тренер бўлиб ишлаётган яқин қўшниси сабаб бўлди. Ўшанда Муҳаррам учинчи синфда ўқирди. Аммо мактаб маъмуриятининг эътирозига кўра сузиш тўгарагидан воз кечишга мажбур бўлди. Одатда дарсларни ўз вақтида ўзлаштира олмаган ўқувчиларнинг кундалигига ёзиб берилар, уни тўгарак раҳбарлари назорат қилишарди. Спортга бўлган меҳри орадан икки йил ўтар-ўтмас уни яна ўз бағрига чорлади. Унинг бугунги муваффақиятларида устози Владимир Ильич Махановнинг улуши каттадир.

— Владимир Ильичнинг менга қилган ёрдамлари чексиз. Шогирднинг устоз олдидаги қарзини нима билан ўлчанишини тасаввур ҳам қила олмайман. Аммо, устозимнинг менга қилган беқиёс ёрдам хизматларини оқлашга интиламан...

Комила СУЛТОНОВА.

* * *



СУРАТДА: Муҳаррам Асилова болалар билан.
Сураткаш Бахтиёр ОСТОНОВ.

ЭНГ ЯХШИ ЎҚУВЧИЛАРГА СТИПЕНДИЯ

СССР илмий ва муҳандислик жамиятлари уюшмаси Ўзбекистон жумҳурият правлениеси камбағал ва кўп болали оилалардаги истеъдодли болалар — 10-11 синфларнинг ўқувчилари учун стипендия таъсис этди.


Жумҳурият уюшмаси правлениеси ва тармоқ жамиятларининг хўжалик ҳисоби даромади маблағидан мактаб ўқувчиларидан 60 киши ҳар ойда 50 сўмдан олади.

Стипендия оладиган ўқувчиларни СССР илмий ва муҳандислик жамиятлари уюшмаси вилоят бошқармалари ва вилоят ижроия қўмиталари халқ таълими бошқармалари ҳузуридаги комиссиялар мактабларнинг педагогика кенгашлари тақдимномаларига мувофиқ танлаб оладилар. Стипендияларнинг тўғри тўланишини, стипендиатлар ўзлаштиришини назорат қилиб бориш ҳам шу комиссия зиммасига юклатилади, бу ўқувчиларни олий ўқув юртларига кириш учун тавсия этиш ҳуқуқи ҳам берилади.

СССР илмий ва муҳандислик жамиятлари уюшмаси Ўзбекистон жумҳурият правлениесининг ташаббусини Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси маъқуллади.

(ЎзТАГ).

12 август—Қурувчилар байрами



Ҳар куни ўнлаб, юзлаб кишилар янги хонадонларга кўчиб ўтадилар. Ҳовли тўйларини нишонлайдилар. Бу яхши, албатта. Бироқ ҳали ён атрофимизда юзлаб, минглаб ҳамшаҳарларимиз, ҳамюртларимиз алоҳида бошпанага муҳтож. «2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида хонадон билан таъминлаймиз!» деган шиор ҳам қабул қилган эдик. Аммо унинг қандай бажарилаётгани ҳақида тўхталмасак ҳам бўлади. Ҳаммаси ўзингизга аён.

Қурилаётганлари ҳам аксарият ҳолларда чалалигича топширилмоқда. Қабул қилинмоқда. Айб кимда? Эртага ўзларининг анъанавий касбкор байрамларини нишонлаётган бинокорлардами? Ёки бўлмаса, уларнинг ишларига бош-қош бўлаётган раҳбарлардами? Бу ҳақда ҳам ўзингиз мушоҳада юритиш имкониятига эгасиз. Рўзномалар ёзаяпти. Радио ва ойнаи жаҳон кунига ёки бўлмаса кунора бу ҳақда хабардор қилмоқда.

Ҳозирча эса биз йилига атиги бир бор нишонланадиган Қурувчилар кунида шарафли касб эгаларини муборакбод этамиз.

Пойтахтимизнинг Юнусобод даҳасида қариялар уйи барпо этилмоқда. Бу ерда «Главташкентстрой»га қарашли 4-қурилиш трестининг 19-бинокорлик бошқармаси қурувчилари қисқа вақт ичида 1 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришлари лозим. Бу суратда сиз иншоотнинг илғор бунёдкорларидан Собир Аҳмеров, Нурмуҳаммад Шерпўлатов, Акир Юсифов прораб, Абдужаббор Ботиров, Илҳом Ҳдровларни кўриб турибсиз. Қодир Усмонов билан Нурсейт Сафигалиевлар ҳам ёш бўлишларига қарамасдан анча тажриба тўплашган.

Е. БОТИРОВ олган сурат.

АССАЛОМ, ЕР!

ОРҚАЛИК (Кўстанай вилояти). 9 август. (ТАСС махсус мухбири В. Хрустов). Бугун навбатдаги космик экспедиция тугади. Анатолий Соловьев билан Александр Баландин Ер атрофидаги орбитада ярим йил ишладилар, уларнинг ҳар бир куни минутларигача ҳисоб-китобли эди.

«Булоқ»лар одатга айланиб қолган станциядаги ишлардан ташқари бошқача вазиятларда ишлашларига ҳам тўғри келди. Улар очиқ космосда етти соат бўлдилар, шу вақт ичида «Союз ТМ—9» транспорт кемасининг ерга қайтиб тушадиган аппаратида экран-вакум иссиқлик изоляциясининг очилиб кетган элементларини жойига ўрнатдилар. Бу ерда янги чигаллик пайдо бўлди: «Квант-2» модулининг чиқиш қопқосини ёпиш мумкин бўлмади. Очиқ космосга иккинчи марта чиққан пайтларида бу ишни уддаладилар.

Ҳали узил-кесил якун чиқаришга вақт эрта — бу олимлар ва мутахассисларнинг иши, бироқ «булоқ»лар ишининг асосий натижалари рентабелли космос реал эканлиги тўғрисида гапиришга имкон беради, — деди Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш маркази бошқармасининг бошлиғи авиация генерал-майори В. Жонибеков. — Ушбу экспедициянинг шартли иқтисодий самараси салкам 25 миллион сўмни ташкил этиши кутилган эди.

Парвоз давомида 500 дан ортиқ илмий тажриба бажарилди. «Кристалл» модули печларида ноёб кристаллар олинди. Мамлакат халқ хўжалиги турли тармоқлари манфаатлари йўлида 21 миллион квадрат километр ер сатҳи суратга олинди.

...А. Соловьев билан А. Баландин тўрт соат олдин Г. Манаков билан Г. Стрекалов билан самимий хайрлашдилар. Ўтиш қопқосини беркитдилар ва «Мир» орбитал комплексидан ажралдилар. Мана хабарлар кела бошлади: кема тормоз беришни мўлжалламоқда. Белгиланган дақиқаларда мотор қурилмаси ишга тушади. Сўнгра тормоз қурилмаси ишлайди, ундан сўнг асосий парашютларга навбат берилади.

Қидирув-қутқарув комплексининг барча мутахассислари (уларга бугун М. Павличко бошчилик қилмоқда) олдиндан пухталаштириб қўйилган схемага мувофиқ ҳаракат қиладилар. Осмонда самолётлар ва вертолётлар айланиб учиб юрибди. Вездеходлар ва махсус қидирув-қутқарув машиналари белгиланган квадратга келтириб қўйилган. Биз ҳам тез орада фазогирлар ерга тушиши мўлжаллайган ноҳияга етиб келдик.

Парвознинг сўнгги дақиқалари... Экипаж билан барқарор алоқа ўрнатилган, уларнинг гапларини эшитиб турибмиз. Тез орада тушувчи аппарат ва унинг парашюти кўзга ташланди. Яна бир неча дақиқадан сўнг сариқ чанг булути осмонга кўтарилди: аппаратни юмшоқ қўндирадиган реактив двигателлар ишлади. Демак «булоқ»ларнинг парвози ниҳоясига етди, улар ерга қўнишди.

Мана узоқ кутилган қувончли воқеа: А. Соловьев билан А. Баландин тиббий ходимлар ёрдамида ерга туширилган аппарат ичидан чиқишмоқда. Улар дўстларига, ер билан узоқ жудоликдан сўнг кутиб олаётган кишиларга илиқ табассум қилишади.

— Яна Ерга қайтиб тушиш, чўл ҳавосидан нафас олиш катта бахт, — деди А. Баландин дастлабки туйғулари ҳақида.

— Ҳамиша шундай бўлса керак: у ерда, космосда Ерга қайтишни орзу қиламиз, Ерда эса янги парвозни орзу қиламиз, — деб илова қилди борт-инженер А. Соловьев.

Космонавтларни худди шу ерда, улар қайтиб тушган жойга ўрнатилган чодирга жойлаштирадилар, бу ерда врачлар аппаратларини ўрнатиб қўйишган.

Ташқи кўринишларига қараганда фазогирлар ўзларини яхши ҳис этишмоқда. Буни врачлар ҳам тасдиқлашди: экипажнинг умумий ҳолати қониқарли. Ҳеч қандай касаллик аниқланмаган. Уларнинг саломатлиги Москвада батафсил текширилади.

А. Соловьев билан А. Баландин вертолётдан жой оладилар. Вертолёт Орқаликка қараб парвоз қилади, фазогирлар у ердан самолётга чиқиб Москвага йўл оладилар.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

Лениндан чалғимайлик

ҲЕЧ ҚАНДАЙ ижтимоий воқелик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Демак, бундай миллий низоларнинг пайдо бўлиши ҳам асоссиз эмас. Лениннинг фикрича, ҳеч қандай тил, шунингдек рус тили ҳам алоҳида имтиёзга эга бўлмаслиги керак. Аслида ҳамма рус тилини ўрганиши шарт, деган қонун йўқ. Лекин пайдо бўлган шароит бизни шунга мажбур қилиб қўйди.

Деярли, ҳамма давлат ва жамоат муассасаларида барча расмий ҳужжатлар рус тилида олиб борилади. Узоққа бормайлик, яхшигина мутахассисликка эга, лекин рус тилини яхши билмайдиган бухгалтер ёки иқтисодчи «Каршистрой» системасидаги ташкилотларда ишлай оладими? Йўқ. Демак, тилимиз ишчи тил эмас, балки тўй-ҳашамларда кийиладиган тўнимиздек ҳашам тил бўлиб қолган.

Маҳаллий халқлар тарихига муносабат ҳам уларнинг тилларига муносабатдек юзаки. Мактабларимизда Темур Муҳаммад Тарағай Баҳодирга нисбатан Пётр I ни, Дашти қипчоқ ўзбеклари тарихига нисбатан славянлар тарихини чуқурроқ ўргатишади.

Яқинда бир лектор билан миллий масала ҳақида тортишиб қолдим. У киши рус тили ва адабиёти ҳамда тарих куллиётларини тамомлаган қўш олий маълумотли киши экан. Ўзи асли қишлоқдан чиққан бўлса ҳам рус тилини шунчалик зўр ғайрат билан ўрганибдики, ҳатто она тилисида лекция ўқиёлмайдиган даражагача кўтарилибди. Тортишувимиз шунчаликка бориб етдики, у менинг Навоийни рус тилида ўзбек тилидагидай ўқиса бўлар-кан-да, деган саволимга «керак бўлса, ундан ҳам яхшироқ ўқиса бўлади», деб жавоб берди. Бу жавоби билан у марксизмни ҳимоя қиламан, деб марксизмга шак келтирди. Мен буни шунинг учун ёзмоқдаманки, энг аввало марксизмни мана шундай қўштирноқ ичидаги ҳимоячи тарғиботчилардан асрамоғимиз лозим. Лектор тарғиботчи омма билан ишлайди. Бирники мингга, мингники туманга, деган гапни унутмаслигимиз керак.

Ўзбекистон ойнаи жаҳони тилга бағишланган давра суҳбатини қисқа фурсатда икки марта намойиш қилди. Ё, тавба, дегинг келади. Ўзлари ўзбекчани билишмайдию, тил ҳақида, миллат ҳақида гапиришлари, худо ҳаққи, менга кулгили туюлди.

Лениннинг ютуғи шунда эдики, у ўзининг мухолифлари билан ҳам ошкора кураш олиб борарди. Шундай экан, ўзларига фикрдош одамлар билан шунчалик мураккаб ва катта масалада оддийгина гурунг қилгунларича ўша ўзларига ёқмаган норасмий ташкилот йўлбошчиларини ҳам таклиф қилиб, мунозарада ўзларининг сиёсий мушоҳадаларини ўртага ташлаб, асослаб берганларида бир йўла икки қуённи уришган, яъни барчага демократиядан ҳам сабоқ берган бўлишарди. Ахир бизнинг тақдиримизга бефарқ қарай олмаган, ҳаттоки холисона ачиниш билан «хлопкораб» деган сўзни топиб ишлатган байналмилал қаламкашни «бизни ҳақоратлади» дейиш инсофданми? Аввалига уларнинг бу чиқишларидан ҳайратланган эдим. Лекин Лениннинг «маълумки бошқа миллатларнинг руслашган кишилари ғирт русча кайфият масаласида ҳамиша ҳаддан ошадилар», деган сўзини ўқиганимдан кейин, уларга ҳайрон қолмадим. Мадомики, Ленин айтган экан, демак, улар анчагина бўлса керак. Мана сизга ўзбекларнинг руслашган кишилари. Марказий матбуотда рус адиблари, журналистлари маҳаллий халқ манфаатларига доир ҳаққоний ижобий фикрларни билдираётган бир пайтда ўзбекларнинг руслашган кишилари ғирт русча кайфият масаласида ҳақиқатан ҳам ҳаддидан ошишмоқда. Уларнинг ўз-ўзини шундай ҳам танитадиган рус тилини зўр бериб тарғиб қилишлари айнан Н. С. Хрушчевнинг: «Чем скорее все мы будем говорить по русски, тем быстрее построим коммунизм», деган сиёсий хато фикрини ҳимоя қилишдек туюлади менга.

Баъзи бир олимлар халқимизнинг саводсизроқ эканлигини рус тилини билмасликка олиб келиб тақашини умуман ҳазм қилиш қийин. Бунинг учун энг аввало биз зиёлилар, шоирлар, олимлар, қолаверса, халқимиз номидан гапириш ваколатига эга бўлган кечаги арбобларимиз айбдор. Улар халқини саводли қилишдан кўра кўпроқ болаларини, қариндош-уруғларини дипломли қилиш билан шуғулланишди. Ҳа, ҳа, кўплаб катталаримиз ўзбекчани билмайдиган, билганда ҳам Москвадан Тошкентга гастролга келган цирк масхарабозидек чучук қилиб гапирадиган болаларини марказий шаҳарларда ўқитишди.

Бизга мадҳиябозлар эмас, Машрабдек фидоий шоирлар керак, вазиятга қараб сўзлайдиган сўзамоллар эмас, илмига амал қилувчи олимлар керак, мозорларимизга ялангбош кираверадиган замонавий манқуртлар эмас, халқимизнинг қадимий урф-одатларини ҳурмат қиладиган, қадрлайдиган зиёлилар керак.

Байналмилалчиликни бировбировимизнинг кўнглимизни қолдириб қўймайлик, деб айтадиган гапини эҳтиёт бўлганидан айтолмайдиган ўгай ака-укачилик қабилида тушунмаслик керак. Агарда ҳақиқий биродарлар бўлсак, шубҳали кўринган ҳар қандай масалаларни, керак бўлса, тортишиб бўлса ҳам адолатли ҳал қилайлик.

Асадулла ОРТИҚОВ,
Яккабоғ ноҳиясидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги фуқаро мудофааси штаби бошлиғи.

Ҳотира

СУНБУЛАНИНГ ЎН БИРИНЧИ КУНИ...



ЭРТАГА сунбуланинг ўн биринчи куни... Суюкли командамиз «Пахтакор» ўйинчиларининг Украина осмонида фожиали портлаб кетганига 11 йил тўлди. Гарчи, орадан кўз очиб юмгунча шунча йил ўтиб кетган бўлса ҳам, уларнинг порлоқ хотирасини ҳар бир ўзбекистонлик ҳақиқий спорт ишқибози кўзида ёш, қалби тўла армон билан ёд айлайдилар.

Ўзбекистонда шундай меҳроқибатли мухлислар борки, оғир дамларда ҳам ўзгалар дардига ҳамдард бўлдилар. «Пахтакор»чиларнинг кутилмаган ҳалокатидан сўнг тузилган командамиз шунча йилдан бери мухлислар ишончини оқлай олмаётган бўлсада, уларнинг руҳи тушгани йўқ. Ғалабани ҳам, мағлубиятни ҳам бирга баҳам кўрдилар...

Мен эсимни таниганимдан бери (қиз бола бўлсам-да) «Пахтакор»нинг ашаддий мухлисиман. Унинг ўйинларини кузатаман. Аммо ҳалиям умидим сўнгани йўқ. Ишониб яшайман. Шу йилнинг 14 июлида Тошкентда ўтказилган ўйинни кўриб («Динамо» Сухуми билан), «афсонавий» Михаил Ан, Олим Аширов, Шуҳрат Эшбўтаевларнинг издошлари етишиб чиқаётганидан суйиндим. Рифатнинг урган чиройли голларини, Олимнинг юзидаги севинчни, ойнаи жаҳон орқали томоша қилиб (ишонмайсиз) йиғлаб юбордим. Ҳам қувониб, ҳам ачиниб йиғладим. Балки улар тирик бўлганида бугунгидек изтиробда, «илоё, «Пахтакор» олий лигага чиқсин!» деб худога ёлвориб юрмаган бўлармидим. Балки...

Юлдузлар ўлмайди олисда,
Фазолар қўйнига кетайлик.
Ишонч бор ҳар битта мухлисда,
«Юлдуз»лар қадрига етайлик!
«Пахтакор» — орият деган сўз,
Ортингда биз бормиз биродар,
Сен олий мақсадга қўлни чўз,
Дардингга дардларим баробар.

Доим шу шеърни ўқиб юраман. Жуда дардли нола. Уни ўқисам «Пахтакор»нинг ҳалок бўлган ўйинчилари кўз олдимга келаверади...

Уларнинг муборак хотираси олдида бизнинг қарзимиз беҳисоб. Шукрки, ўн бир йилдан бери қўлимиздан келгунича арзир-арзимас савоб ишларни бажардик. Аммо ҳали бу оз. Чунки улар шу элнинг шаъни, ғурури, обрўси учун курашиб, футбол майдонларидан камдан-кам ҳоллардагина бош эгиб чиқиб кетардилар. Шул боис ҳам 1979 йиллари «Пахтакор» билан бошқа командалар майдонга ҳайиқиб тушишарди...

Ҳа, менинг севимли «Пахтакор»им ана шундай эди. Бундай ажойиб талант соҳиблари юз йилда бир марта дунёга келади десам янглишмасман. Собиқ «Пахтакор»чилар хотираси ҳаққи-ҳурмати уларнинг муборак номларини қанча эъзозласак, ҳурмат бажо келтирсак шунча оз.

Шу ўринда ўзимнинг баъзи мулоҳазаларимни ҳам айтмасам бўлмас экан. Бизнинг Шарқда инсон хотираси доимо қадрланган. Эл ўзнинг суйган фарзандлари номини ардоқлаган. Биз-чи? Нолисак, балки инсофсизлик бўлар? Хайриятки, «Пахтакор»нинг марҳум футболчилари хотирасини ҳар йили ўтказамиз. Лекин ҳар йили ўйинчилар ҳоки дафн этилган Боткин қабристонида, номлари ўйиб ёзилган ёдгорлик пойида ана шу кунларда меҳроқибатли бўлиб қоламиз. Ҳар хил тадбирлар ўтказишга ваъда берамиз. Лекин август ўтиб кетгач...

Менинг таклифим: «Пахтакор» стадиони олдида марҳум ўйинчиларнинг бюстларини ўрнатиш ҳақида ўйлаб кўриш керак. Бунга албатта озмунча маблағ кетмаслиги аён. Шунинг учун, мана йил бошидан бери кўп жойларда хайрия кечалари, кўрсатувлар ўтказилмоқда. Мен бу ёдгорлик учун халқдан яна маблағ йиғилсин демоқчи эмасман. «Пахтакор» командасининг Тошкентда ўтказилган ўйинларидан тушган маблағларнинг маълум қисми алоҳида ҳисоб очилиб шунга ўтказилиб турилса. Мухлислар ҳам қараб турмаслар. Яна: «Пахтакор»чилар хотираси учун иттифоқ миқёсидами (балки чет эллардан ҳам командалар таклиф қилинса жон-жон деб келишарди) бирор каттароқ тадбир ўтказилса? Ахир бу ҳақда неча йиллардан бери гапирилади. Бу менинг шахсий мулоҳазаларим.

...ЯНА шеър ўқигим келяпти. Кўнглимни бир армон эзади. «Пахтакор», «Пахтакор» дея стадионларни бошига кўтариб ҳайқираётган минг-минглаб мухлисларнинг олқиши ижобат бўлармикан? Илло, бугун ишқибозлар ишончини қозонишга интилаётган Миржалол, Игорь, Геннадий, Рифат, Улуғбек ва бошқа «Пахтакор»чиларни уларнинг руҳи қўллагай!

Ўн етти паҳлавон ўлмаган,
Сиғмагай таърифи достонга.
Кўнглимнинг бир чети тўлмаган,
Кўз тикиб яшайман осмонга!

Эртага сунбуланинг ўн биринчи куни...

Шаҳноза ЭШОНҚУЛОВА.
Қарши шаҳри.

Ҳамкорлик орбиталари

Тошкент мактабларининг беш нафар ўқувчиси — «Сен Япония ҳақида нима биласан?» жумҳурият конкурсининг ғолиблари таътил кунларида Японияга Фукусима префектурасига таклиф этилдилар. Тошкентдаги 102-мактабнинг юқори синфида ўқиётган бу ўқувчилар мазкур мамлакатнинг иқтисодий тузилиши, сиёсий йўналиши, урф-одатлари ҳамда маданияти тўғрисида талабчан ҳакам берган саволларга инглиз тилида жуда яхши жавоб қайтардилар. 102-мактаб — «СССР—Япония» Тошкент шаҳар бўлимига жамоа бўлиб аъзо қилинган.

Урушмасликка қасамёд қиламиз

Болалар хорижга учиб кетишди, улар рус ва инглиз тиллари махсус ўқитиладиган мактабларда болалари таълим олаётган япон оилаларида яшайдилар. Бу йил япониялик мактаб ўқувчилари Тошкент, Самарқанд ва Бухорода бўлишади.

— Фукусима префектураси билан Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги биргаликда тузилган ҳужжатда мактаб ўқувчиларини ўзаро юбориб туришга доир банд бор, — дейди чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти раисининг ўринбосари С. М. Мирқосимов. — Ушбу ҳужжатда фан ва маданият, маориф ва соғлиқни сақлашнинг жуда кўп соҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳақида айтилган. Ўзбекистон халқаро муносабатлар, шу жумладан Япония билан муносабатлар яхшиланиши учун қўлидан келган барча ишларни қилмоқда. Биз жаҳондаги ўнлаб мамлакатлар билан яхши муносабатлар ўрнатганмиз.

Яқинда Фукусима префектурасида ўзбекистонлик шифокорларнинг бир гуруҳи бўлди. Ушбу префектура аҳолиси тўплаган маблағга Тошкентда Япониянинг собиқ ҳарбий асирларига ёдгорлик ўрнатилган. Бу ёдгорликка: «Урушмасликка қасамёд қиламиз!» деган сўзлар ёзиб қўйилган.

Н. ПОЛЯНСКАЯ,
ЎзТАГ мухбири.



Гоҳида ота-боболаримиз нолиб қолишади: «Э, шу ҳозирги ёшлар издан чиқиб кетишяпти!» Балким, бу гапда жон бордир. Бироқ қойилмақом меҳнат қилаётганлар-чи? Эҳ-ҳе, улар қанчадан-қанча! Уч дугона — Ойдин Бобожонова, Гулхумор Алломова ва Муяссар Алимовалар ана шундай ишчан ёшлардан. Улар Беруний ноҳиясидаги «Правда» жамоа хўжалигида меҳнат қилишади. Меҳнатлари мақтовга арзигулик. Бу ёғи йиғим-терим ҳам яқин. Қаттиқ ва тинимсиз меҳнатлари эвазига етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишда ҳам улар бошқаларга ўрнак бўлишмоқчи.

СУРАТДА: О. Бобожонова, Г. Алломова ва М. Алимовалар.

Ж. ҚОЗОҚОВ сурати.

Хушхабарлар

Фарғона тўқимачилик комбинатининг бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган барча ходимлари икки хил таомдан иборат бепул иссиқ нонушта билан таъминлана бошладилар. Корхона меҳнат жамоаси кенгаши ва касаба уюшмаси қўмитасининг қарорига биноан август—октябрь ойлари учун ана шу мақсадларга салкам 160 минг сўм пул ажратилди.

* * *

Тошкент ҳажмли-блокли уйсозлик комбинатининг рационализаторлари янги қолиплаш машиналарини ўрнатиш чоғида уй пойдеворидан тежадилар. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, «Гипростроммаш» лойиҳалаш институти масъулиятни ўзидан соқит қилиб, пойдеворни катта ҳажмда режалаштирди. Институтда янги, аниқланган параметрлар ўрганиб чиқилди ва улар тўғри деб топилди. Натижада пойдевор бир метр пастроқ бўлди. Корхона кўплаб бетон ва арматурани тежашга муваффақ бўлди. Рационализаторлик таклифидан 36 минг сўм самара олинди.

* * *

Андижоннинг 5-микрорайонида қурилган янги уйга 36 та оила кўчиб кирди. Биринчи қаватида магазин бўлган ана шу уйни 162-қурилиш тресті қуриб битказди. Давлат қабул комиссияси янги уйни яхши баҳо билан қабул қилди. Йил охиригача трест бўлинмалари шаҳарликларга минг квадрат метр уй-жой қуриб беришни мўлжалламоқда.

(ЎзТАГ).

Хорижидан хабарлар

ЯҚИН, ЎРТА ШАРҚ ВА ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА

ҚОҲИРА. Ҳозирнинг ўзида 13 та араб мамлакати Миср Араб жумҳурияти президенти Ҳусни Муборакнинг Қоҳирада шошилинч равишда олий даражада бошланадиган араб мамлакатлариаро учрашувга келишлари хусусидаги таклифини қабул қилдилар, деб хабар беради МЕНА ахборот агентлиги.

Жазоир, Жибути, Иордания, Яман, Катар, Қувайт, Уммон, Бирлашган Араб Амирликлари, Ливия, Ливан, Саудия Арабистони, Сурия, Тунис учрашувда қатнашишга розилик бердилар.

Ливия раҳбари Муамар Каддафий билан Ливан президенти Храуий Миср пойтахтига келдилар.

Кенгаш Ироқнинг Қувайтга қарши босқинчилик қилганлиги натижасида Форс кўрфазида жуда хавфли вазият юзага келганлиги муносабати билан чақирилмоқда. Ироқ президенти олий даражадаги учрашувда қатнашиш тўғрисидаги таклифга ҳозирча ҳеч қандай жавоб бермади.

* * *

Қуролланган Исроил кўчманчилари чоршанба куни Иордан дарёсининг босиб олинган ғарбий қирғоғидаги Байт Ханунда бир гуруҳ арабларга қарши ўт очиб, 20 нафар фаластинликни ярадор қилдилар.

Ўтган кеча-кундузда Наблус, Рамаллаҳ, Тулкармда кўчманчилар билан араб аҳолиси ўртасида қаттиқ тўқнашувлар бўлди. МЕНА ахборот агентлиги кўчманчилар арабларнинг уйларига бостириб кириб, одамларни ураётганлиги, уйларни вайрон қилаётганлиги, автомашиналарни ёндириб юбораётганлиги ҳақида хабар беради. Армия экстремистларнинг бебошликларига халақит бермаяпти. Шу кунларда икки исроил йигити ўлдирилганлиги сабабли арабларга қарши ғалаёнлар натижасида чоршанбада бир фаластинлик ўлдирилди ва умуман 45 киши ярадор бўлди. 50 нафар араб ҳибсга олинди. Кўчманчиларнинг вакили Исроил армиясининг радиоси орқали сўзга чиқиб, ҳалок бўлган икки исроилликнинг қасдини олиш учун 200 нафар араб ўлдирилади, деб дўқ урди.

БАЙРУТ. Бекаа водийсининг жанубида шиалар «Амал» ҳаракати билан эронпараст «Хезболлаҳ» ташкилотининг жангарилари ўртасида қаттиқ тўқнашувлар бўлди. Тўқнашувлар натижасида ўндан ортиқ киши жабрланди.

Ливан қўшинларининг бир-бири билан уришаётган томонларни тарқатиб юбориш мақсадидаги уринишлари муваффақиятсиз тугади. Тўқнашувлар чоғида икки ҳарбий хизматчи жароҳатланди.

Сурия қўшинлари вакилларининг воситачилигида можарони бартараф этиш юзасидан музокаралар бошланди.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукумати Жамму ва Кашмир штатидаги экстремист гуруҳларга қарши курашда қуролли кучларга катта ваколатлар бериш тўғрисидаги фармонни жумҳурият парламенти муҳокамасига қўйди. Ички ишлар вазири Муҳаммад Сайёд парламентга ҳужжатни тақдим этар экан, унда белгиланган тадбирлар хавфсизлик кучларининг террорчиликка қарши курашда маъмуриятга янада самарали ёрдам кўрсатишига имкон беришини таъкидлади.

Расмий равишда эълон қилинишича, Ҳиндистон томони билан мулоқот ўтказиш учун бугун Покистон котиби Танвир Аҳмаджон бу ерга келади.

* * *

Бугунги кунда ишчиларнинг ўз ҳуқуқлари учун курашдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида Ҳиндистонда ягона касаба уюшмаси марказини тузиш зарурати етилди. Касаба уюшмалари Умумҳиндистон конгрессининг раиси Чатуранан Мишра Мадрас шаҳрида мамлакатнинг Ҳиндистон Коммунистик партияси билан қалин алоқада бўлган ушбу энг катта касаба уюшмаси бирлашмасининг XXXIV съездини очар экан, шуни маълум қилди. У ҳозир касаба уюшмалари ташкилотларининг бундай уюшмасини тузиш учун барча имкониятлар борлигини таъкидлади.

(ТАСС).

Телетайп лентасидан

ВАШИНГТОН. Саудия Арабистонига қўшни бўлган Қувайтни босиб олган Ироқ қўшинларининг хавф-хатар туғдираётганига асосланиб, АҚШ Президенти Жорж Буш Саудия Арабистонида бир неча минг ҳарбий хизматчини, шунингдек авиацияни жойлаштириш тўғрисида буйруқ берди. Рейтер агентлиги Пентагон расмий вакилларининг айтганларига таяниб, шуни хабар қилди.

НЬЮ-ЙОРК. Техас штатининг Порт-Артур шаҳридаги АҚШ божхона хизмати Американинг «Бей-Ойл» компанияси сотиб олган қарийб ярим миллион баррель Ироқ нефтини мусодара қилди. Харидор ўтган душанба куни — Америка Ироқ нефтини сотиб олишни тақиқлаганидан сўнг унинг ҳақини тўлаганлиги сабабли шундай қилинди. Хьюстон (Техас штати) божхона хизмати минтақа бошқармасининг вакиласи Донна де Ла Торре бу нефть Ироқ ҳукуматига пул ўтказиб бўлинганлиги сабабли мусодара қилинганлигини таъкидлади.

БЕЛГРАД. ЮСФР ички ишлар иттифоқ котиби Петр Грачанин Югославиядаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий аҳволни «Жуда оғир ва мураккаб», деб таърифлади. У Титоградда Черногория ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари билан суҳбатлашиб, мамлакат сиёсий саҳнасига «биз рози бўла олмайдиган ғоялар билан» банд бўлган кучлар чиқди, деб айтди.

Югославия ички ишлар вазирининг сўзларига қараганда, мамлакатнинг турли ноҳияларида барча тоифадаги миллатчилар бош кўтармоқда, иккинчи жаҳон уруши даврида ташкил топган террорчилар ва миллатга қарши гуруҳлар, сепаратчилар, ақоидлар, оқ гвардиячилар ташкилотлари қайтадан тузилмоқда, уларнинг асосий мақсади Югославияни бўлиб ташлаш, ЮСФРда яшовчи халқлар орасига миллатлараро нифоқ уруғини сочиш, унинг энг асосий ютуқларига путур етказишдир. Биз «демократия» ниқоби остида курашаётган Югославия душман кучлари фаолиятининг пайини қирқиш учун барча чора-тадбирларни кўришимиз, конституцион тартибни, мамлакат мустақиллиги ва федератив тузилишини ҳимоя қилишимиз керак, деб таъкидлади у.

ПРАГА. Чорвадорлар билан Прага гўшт комбинатларининг раҳбарлари ўртасида эришилган аҳдлашувга мувофиқ, Прагада мол гўшти арзонлашади. Бу ерда бир килограмм гўштнинг нархи 20 крондан 50 кронгача бўлади. Брно шаҳрида биринчи навли мол гўштининг нархи 67 крондан 49 кронгача пасайди. Лаҳм гўштнинг нархигина ўзгармади. Карлови — Варида мол гўштидан тайёрланган барча маҳсулотлар нархи арзонлашди, бундан ташқари дудланган гўшт нархи ҳам ўрта ҳисобда 15 фоиз пасайди. Чехословакиянинг бошқа ноҳияларида ҳам мол гўштининг нархи арзонлашиши кутилмоқда.

МАНАГУА. Никарагуада ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатидан норози бўлган давлат хизматчилари яна иш ташламоқчилар. Маҳаллий радиостанцияларнинг хабар беришича, сандиночилар назоратидаги меҳнаткашлар миллий фронти (ММФ) — мамлакатдаги энг катта касаба уюшмаси марказларидан бири бутун мамлакат бўйлаб янги иш ташлашга ҳозирлик кўрмоқда. Бу ташкилот июль ойида умуммиллий иш ташлашни уюштирган эди.

Жумҳурият президенти идорасининг вакилларидан бири ТАСС мухбири билан суҳбатда шу маълумотларни тасдиқлади. У шу ҳафтадаёқ иш ташлаш бошланишини ва умуммиллий миқёс касб этиши мумкинлигини айтди. ММФ раҳбари Лусио Хименес бундан бир неча кун илгари журналистлар билан учрашувда мазкур касаба бирлашмаси июлдагига нисбатан янада кучли иш ташлашни уюштириши мумкинлигини айтган эди.

(ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЕР ОСТИДАГИ ЭНГ КАТТА КЎЛ

● НАМИБИЯНИНГ ШИМОЛИЙ қисмида дунёда энг катта бўлган ер ости кўли топилди. Спелеологлар уни маҳаллий халқ «аждар бурни» деб атаган оҳактошли ғорлар орасидаги ёриқдан (бу ёриқдан мунтазам равишда илиқ ҳаво чиқиб туради) тушиб аниқлаганлар. Экспедиция 59 метр чуқурликка тушгач, катталиги 1,9 гектар (АҚШдаги Лост-Лейк ерости кўлидан 0,1 гектар катта) бўлган кўлни кўришган. Намибиядаги бу ерости кўлининг энг чуқур жойи 200 метр. Суви жуда тиниқ бўлиб, ҳарорати 24 даража экан.

ИШОНЧСИЗЛИК БАҲОСИ

● АМЕРИКАНИНГ «ПАНАМ» авиакомпанияси раҳбарларидан бири стюард ва стюардессалар тайёрадан йўловчилар учун мўлжалланган митти шишалардаги алкоголь ичимликларини ўғирлаб қўйишаётган бўлса керак, деган шубҳага борган. Тайёралардан биридаги ўшандай ичимликлар сақланадиган жавонга ўғирлик вақтини қайд этадиган соат механизмли махсус қурилма ўрнатилган. Тайёра осмонга парвоз қилганда стюардлардан бири соат механизмини чиқиллаб ишлаб турганини эшитиб қолган ва бортда бомба бор деган хулосага келган. Учувчилар тайёрани яқин тайёрагоҳга қўндирганлар ва барча йўловчилар эҳтиёт эшиклардан туширилганлар. Булғориянинг «Орбита» рўзномаси бу ғаройиб воқеа ҳақида ҳикоя қилиб, кўзда тутилмаган қўниш авиакомпанияга 15 минг долларга тушганини ёзган. Митти шишачадаги ичимликнинг нархи эса атиги 35 цент экан.

БУҚАЛАМУН ОДАМ

● БОЛИВИЯНИНГ КОЧАБАМБА шаҳридаги циркда «Бим-Бом» тахаллуси остида исмини яширган артист ўзига хос оригинал номер ижро этмоқда.

Бим-Бом цирк саҳнасига чиқиб, одамлар кўз ўнгида бир неча идишдаги турли суюқликларни ичади. Шундан сўнг артистнинг териси орадан 15—20 дақиқа ўтгач аста-секин ўзгара боради: дастлаб оч кофе рангдан яшиллашиб охири қора рангга айланади. Артист одамлар таҳсинига сазовор бўлгач гулдурос қарсаклар остида яна суюқликлардан ичади ва ўз табиий ҳолига қайтади. Америкада чиқадиган «Чикаго трибюн» рўзномасининг таъкидлашига кўра, Бим-Бом ўзининг бу сирини сабабини яшириб келмоқда.

ЭРТАНГИ КУН ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

ҚАДРЛИ ДЎСТЛАР! Орадан бир неча йил ўтади, жамоат фикрини ўрганиш мана шу сўровининг якунлари эса ноёб бўлиб қолади. Давримиз бетакрордир.

Бутун мамлакат, жумҳурият сиёсий, иқтисодий, мафкуравий соҳада шу пайтгача кўрилмаган ўзгаришлар арафасида турибди. Биз эртанги куннинг қиёфасига умид ва ташвиш билан боқишга интилаяпмиз. У қандай бўлади? Биз, ёш авлодга нималар олиб келади? Оиламизга-чи? Мамлакатимиз халқига нима беради?

Эҳтимол, орадан ўн йил ўтгандан сўнг бир пиёла чой атрофида ҳозирги ташвишли ва умидсизликка тушишни истеҳзо билан эслармиз. Шундай бўлиши эҳтимоли борми? Эҳтимолдан ҳоли эмас. Балки, биров «хайрли салбий вақтни» хотирлаган пайтида юраги хаприқиб кетадими? Шундай бўлиши ҳам мумкин. Бир сўз билан айтганда бир қолипда фикрловчилар ҳар жиҳатдан баҳслашишмоқда. Орадан яна ўн, йигирма ва ундан ортиқ вақт ўтгандан сўнг ҳам қуёш, Ўзбекистон, инсонлар мавжуд бўлиши сўзсиздир.

Биз эса келгуси минг йилликда эски қадрдон дўстлар билан бирдан учрашиб қолишимизни бир тасаввур қилинг! Шунда суҳбат давомида улуғ башорат қилувчиларнинг: «Сен биласанми, қария, мен бу ҳақда 1990 йилдаёқ огохлантирган эдим», деган далилини йўл-йўлакай қистириб ўтамиз.

Тўхтанг. Ғоят ажойиб. Бу ўринда тасаввурни ларзага келтирувчи қандайдир бир сир бор. Орадан ўн йил ўтгандан сўнг, кимда-ким олдиндан айтганлари рўёбга чиқадиган бўлса, номларини фирмамизнинг тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўямиз. Ким жамоат фикрининг туб моҳиятини баён эта билса, шунингдек, ҳозирги кунимиз, 1990 йил фикрини ифодалай олади.

Келинг, бугун бозор иқтисодиётига ўтишнинг муаммолари тўғрисида фикр юритайлик. Ҳар бир киши у тўғрисида ўйлайди, лекин нима учундир сукут сақлайди. Ўз фикрини ифодалашига социологларнинг аниқ воситаси — анкета кўмак беради. Уни тўлдириш мураккаб эмас. Саволни ўқинг. Сизнинг фикрингиз билан мос тушадиган жавоб рақамини доира шаклида ўраб қўйишингизнинг ўзи етарли. Матн йўқ қаторларга ўз фикр ва истакларингизни ёзишингиз мумкин.

Анкета саволлари бозор иқтисодиёти сингари мураккаб бўлган ҳодисанинг барча жиҳатларини «қамраб» ололмаслиги шубҳасиздир. Шунинг учун сиз ўз фикрингизни ва мулоҳазаларингизни алоҳида варақ қоғозга ёзишингиз, ўрганилаётган муаммоимизга ўз муносабатингизни асосий тарзда баён қилиб беришингиз мумкин. Сиз билан бўладиган мана шундай мусоҳаба илмий таҳлилимизни чуқурлаштиришга кўмак беради.

Владимир ЧЕРНИШЕВ,
жамоат фикрини ўрганиш хизматининг директори.

Ёшлар рўзномасини вазирликлар ва идораларнинг, фирқа, комсомол ташкилотларининг, бир сўз билан айтганда, ёш авлоднинг тақдири учун масъул бўлган давлат ва жамоат органларининг ходимлари айниқса, диққат-эътибор билан ўқишларини биламиз. Оммавий сўровни ўтказиш удум эмас, балки ўткир зарурат эканлигини англайдиган ўртоқлар бўлишини жуда-жуда истардик. В. И. Ленин таъкидлаганидек, халқ дилидагини тўғри ифодалай олсаккина бошқара оламиз. Афсуски, маслаҳатга қулоқ солмадик. Бошқарув машинаси шундай ишламоқдаки, халқ норозилик билдираяпти. Масалан, ичкиликбозлик билан кураш қарорини эса бекор қилишга тўғри келди. Бунинг сабаби бошқарув органларида жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш йўқлигидадир. Ҳозир вазият ўзгармоқда. Маъмурий буйруқбозлик ҳар ҳолда бошқарувнинг демократик услубига ўрнини бўшатиб бермоқда. Бу ўринда ҳам жамоатчилик фикрини ҳар жиҳатдан ҳисобга олмасликнинг иложи борми? Бир сўз билан айтганда АҚШда аҳолининг кайфиятини тадқиқ қилиш билан мингдан зиёд ихтисослашган фирмалар шуғулланмоқдалар.

Бизда-чи? Сўровлар ўтказишни эндигина ташкил этишга тўғри келади. Бу ғоят мураккаб механизм. У ўз ичига сўров ўтказиладиган контингентни математик моделлаштириш, социологик ҳаракатномаларни ишлаб чиқиш, ўн минглаб параметрларни компьютерда таҳлил қилиш методларини ўз ичига олади. Бу алоҳида мавзу. Биз уни жумҳуриятнинг вилоятларидаги, шаҳарларидаги ва ноҳияларидаги манфаатдор ташкилотлар билан жойларда жамоат фикрини ўрганиш хизмати бўлимларини ташкил этиш мақсадида олиб боришга тайёрмиз. Бу ҳозирдан ўйлаш ва тараддуд кўриш лозим бўлган истиқболдаги иш.

Ҳозирча эса аҳолининг турли хил ижтимоий-демографик қатламлари ва гуруҳларининг фикрларини тадқиқ қилишнинг барча «технологик жараёнларини» синчковлик билан созлаш содир бўлаяпти. Йигит ва қизларнинг тадқиқот программаларида фаол қатнашишлари биз томонимиздан ўтказилаётган оз бўлмаган харажатлар бехуда кетмаслигининг омилидир.

Ва энг сўнггиси. Анкета — бу имтиҳон эмас. Саволларга «тўғри» жавоб қайтаришга ҳаракат қилиб, бозор иқтисодиёти мавзуси юзасидан адабиётларни махсус ўқиб чиқишнинг ҳожати йўқ. Аслида эса бу нотўғри бўлади. Биз учун ғоят қимматли ва зарури сизнинг шахсий фикрингиз. Ҳозир қандай ўйлаётган бўлсангиз, шундай жавоб беришингиз керак.

Сиз билан бизнинг фойдали ва зарур бўлган мулоқотимиз ўтишига умид қиламиз. Сўровнинг натижалари чоп этилади. Унинг ҳозирги давримизда ноёблиги, бетакрор эканлигини унутманг. Марҳамат қилиб, мактубингизни қуйидаги маконга юборинг:

700128, Тошкент шаҳри, А/я 1905.

Жамоат фикрини ўрганиш хизмати.

Мазкур тадқиқот жумҳурият «Ёш ленинчи» ёшлар рўзномаси ташаббуси бўйича жамоа фикрини ўрганиш хизматининг ёш социологлари томонидан ўтказилмоқда.

Мана шу йирик илмий-тадқиқот тадбирини ўтказишга кўмак берган ва ёрдамлашган барчага сидқидилдан ташаккуримизни изҳор этамиз.

Сизнинг барча фикрларингиз ва таклифларингиз электрон ҳисоблаш машинаси ёрдами билан синчиклаб ишланиб, ўрганилади.

Анкетани тўлдириш мураккаб эмас. Саволни эътибор билан ўқинг. Сизнинг фикрингизга мос келадиган ўша жавоб номерини доира шаклида ўраб қўйишингизнинг ўзи кифоя.

Ўз исм-шарифингизни, маконингизни ва ҳоказоларни кўрсатиб ўтишингизнинг зарурати йўқ.

ЁРДАМ КЎРСАТГАНЛИГИНГИЗ УЧУН СИЗГА ОЛДИНДАН МИННАТДОРЧИЛИК ИЗҲОР ЭТАМИЗ.

Анкета

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ҚАНДАЙ ЎТИШ КЕРАК?

I. Сиз бозор иқтисодиёти жорий этилиши истиқболига қандай қарайсиз

	СССРда	Ўзбекистонда
— умуман умидворлик билан	001	002
— умуман умидсизлик билан	003	004

II. Фикрингизча, кишилар бўлажак иқтисодий қайта ўзгартириш тўғрисида қандай даражада хабардор қилинган?
005 — чуқур, ҳар томонлама
006 — юзаки, схематик
007 — қарийб хабардор қилинмаган

III. Нарх, таназзул, қарз, валюта қиммати, фоизнинг ставкаси ва ҳоказо сингари тушунчалар мазмунини қандай шаклда самарали ўрганиш мумкин?

	лекцияда	рўзномаларда, ойномаларда	брошюраларда, китобларда	ТВ бўйича
самарали	008	009	010	011
шунчаки самарали	012	013	014	015
носамарали	016	017	018	019

IV. Иқтисодчилар бозор самарадорлигига мана шундай таъриф бермоқдалар: ишловчилар миқдори кам бўлган ҳолда кўп юқори сифатли моллар ишлаб чиқарилади. Бу ишсизлар пайдо бўлиши, меҳнатни интенсивлаш деган маънони англатади. Шундай янги вазиятда кишилар қандай қарор қилишлари мумкин?
021 — бошқа иш топади
022 — аввалги меҳнат шароитларини сақланишини талаб қилади
023 — ширкатга кетадилар
024 — янги касб-кор даражасига эришишга интилинади
025 — бошқа ўлкаларга кетилади
026 — «яширин даромад» топиш билан шуғулланади

V. Кишилар «ижтимоий ҳимояланиш механизми» деган термин остида одатда нимани тушунадилар?

____

VI. Сизнинг тахминингиз: иқтисодиётимиз тикланади.
Ўйлайманки, бу ______ йилда содир бўлади

VII. Иқтисодиётни юксалтириш, кишиларнинг фаровонлигини ўстириш учун биринчи навбатда нимани амалга ошириш зарур?

1. ________________________________
2. ________________________________
3. ________________________________
4. ________________________________
5. ________________________________
6. ________________________________

VIII. Бозор иқтисодиёти шароитларида салбий ҳодисалар (таъмагирлик, порахўрлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ҳоказолар) нима бўлади?
027 — салбий ҳодисалар кучаяди
028 — салбий ҳодисалар аввалги даражада сақланиб қолади
029 — салбий ҳодисалар сусаяди.

IX. Фикрингизча, кишилар қуйидаги ҳодисаларга қандай муносабатда бўладилар:

	ижобий	салбий
— хусусий мулкка	030	031
— акция, облигациялар	032	033
— эркин омилкорликка	034	035
— хорижий маблағ сарфлашга	036	037
— қўшма корхоналар	038	039
— ширкатлар	040	041
— меҳнат биржаси	042	043
— хайрия овқатланишлари	044	045
— солиқ солишлар	046	047
— эркин нарх-наво ташкил этиш	048	049
— пулислоҳоти	050	051

X. Бозор иқтисодиёти шароитларида қандай ҳаракат қилиш лозим?
052 — бозор иқтисодиётини ўз қонунлари бўйича ривожлантиришни қўйиб бериш.
053 — давлат томонидан бозор механизмларини ривожлантиришни тартибга солиб туриш.

XI. Бозорга ўтишнинг мумкин бўлган қандай салбий оқибатларидан биринчи навбатда сақланиш зарур? Жавоб учтадан ортиқ бўлмасин:
054 — ишлаб чиқариш пасайиши
055 — ишсизлик
056 — даромадлар камайиши
057 — молларнинг камёблиги
058 — суиистеъмол қилиш
059 — нарх-наво кўтарилиши
060 — СССРдан ташқарига чиқиб кетишни рағбатлантириш
061 — турмуш даражаси пасайиб кетиши
062 — ижтимоий норозиликлар
063 — аҳоли кўчиши
064 — жиноятчиликнинг ўсиши
065 — озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаслиги

XII. Хорижий мамлакатларга оммавий равишда «ноёб истеъдод, ғоялар»нинг чиқиб кетиши сингари биз учун янги бўлган ҳодиса ҳақида бир неча оғиз сўз айтинг.

____

XIII. Барча тармоқ ишлаб чиқариш вазирликларини тугатиш лозимми?
066 — ҳа, лозим
067 — лозим, лекин қисман
068 — барчаси қандай бўлса, шундай қолдириш керак
069 — йўқ, керак эмас.

XIV. Сиз қандай озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини оширишни адолатли деб ҳисоблайсиз?

____

XV. Сиз қандай саноат молларининг нархини оширишни адолатли деб ҳисоблайсиз?

XVI. Бозор иқтисодиётининг жорий этилиши жамиятда ижтимоий тотувликни ўрнатишга олиб келадими?
070 — ҳа, сўзсиз
071 — тотувлик бўлиш эҳтимол
072 — «бозор» ва «тотувлик» ўзаро боғланмаган.
073 — шубҳаланаман.
074 — йўқ, тотувликка олиб келмайди

XVII. Бозор иқтисодиёти шароитларида кино, эстрада, адабиёт, санъатнинг бошқа турлари қандай ривожланиб боради?
075 — қўшимча омиллар олади
076 — жиддий ўзгаришлар бўлмайди
077 — оқсаб қолади, тушкунликка учрайди.

XVIII. Чеклашни жорий этиш лозимми:

	лозим	лозим эмас
— маошни	078	079
— нархнинг ўсишини	080	081

XIX. Айтинг-чи, бозор иқтисодиёти — бу...
082 — капитализмга қараб қўйилган қадам
083 — социализмни мустаҳкамлаш.

XX. Муқобил бозор иқтисодиёти мавжудми?
084 — ҳа
085 — йўқ
Агар «ҳа» бўлса, у қандай?

____

XXI. Бирор бир салбий ҳодисасиз хўжалик системасини ва иқтисодий муносабатларни тубдан қайта ўзгартириш мумкинми?
086 — ҳа
087 — йўқ
Агар «ҳа» бўлса, у қандай?

____

XXII. Бозор иқтисодиётини жорий қилиш билан бир қаторда нарх ҳосил бўлишини ҳам ислоҳ қилиш зарурми?
088 — зарур
089 — сабр қилиш керак
090 — зарур эмас.

XXIII. Фикрингизча, ҳукумат муҳим қарорларни қабул қилиш пайтида қандай омилларга суяниши зарур?
091 — матбуот чиқишларига эътибор қилиши
092 — хорижий энг яхши тажрибадан фойдаланиши
093 — жамоатчилик фикрини эътиборга олиши.
094 — иқтисодчилар, социологлар, олимларнинг хулосаларига мувофиқ тарзда ҳаракат қилиши
095 — кўпчилик кишилар нимани истаса, шундай иш тутиши.
096 —

XXIV. Марҳамат қилиб айтинг-чи, сиз ойига қанча сўм (мукофотларни, четдан келадиган иш ҳақини, ўриндошлик ҳақини ва ҳоказоларни қўшган ҳолда) топасиз?
097 — 50 сўмгача
098 — 101—130 сўмгача
099 — 131—160 сўмгача
100 — 161—200 сўмгача
101 — 201—240 сўмгача
102 — 241—280 сўмгача
103 — 281—320 сўмгача
104 — 321—360 сўмгача
105 — 361—400 сўмгача
106 — 401—450 сўмгача
107 — 451—500 сўмгача
108 — 501 сўм ва ундан кўп.

Бизга ўзингиз ҳақингизда маълумот берсангиз:

Жинсингиз
109 — эркак
110 — аёл

Ёшингиз

____

Маълумотингиз:
109 — ўнинчи синфдан камроқ
110 — умумий ўрта (10 синф).
111 — ўрта ҳунар-техник
112 — ўрта махсус
113 — тўлиқсиз олий
114 — олий
115 — олимлик даражасига эгаман.

Машғулотлар тури:
116 — ишчи
117 — муҳандис-техник ходим

Миллатингиз

____

Оилангизда ҳар бир кишига ўртача даромад қандай?
118 — 50 сўмгача
119 — 51—75 сўмгача
120 — 76—100 сўмгача
121 — 101—125 сўмгача
122 — 126—150 сўмгача
123 — 151—200 сўмгача
124 — 201—250 сўмгача
125 — 251—300 сўмгача
126 — 301—400 сўмгача
127 — 401 сўм ва ундан ортиқ

Қандай рўзномалар ва ойномаларга ёзилгансиз?

1. ________________________________
2. ________________________________
3. ________________________________
4. ________________________________
5. ________________________________
6. ________________________________
7. ________________________________
8. ________________________________
9. ________________________________
10. ________________________________

Уйингизда тахминан қанча китоб бор?
128 — 100 тача китоб
129 — 500 тача китоб
130 — 1000 тача китоб
131 — 1—2 мингта
132 — 2—4 мингта
133 — 5—7 мингта

Қаерда яшайсиз? (ноҳиянгизни кўрсатинг).

____

Маконингиз:

____

Фамилиянгиз, исмингиз, отангизнинг исми.

____

Биз сизнинг фикрларингизни бегоналардан сақлашимизни яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз: барча анкеталар пўлат сандиқларда сақланади.

Барча фикрлар, фактлардан фақат умумлаштирилган тарздагина фойдаланилади.


Жамоатчилик фикрини ўрганишни мунтазам тадқиқ қилиш учун ҳозир тахминан 1200—1500 киши почта орқали доимий сўров учун танлаб олинади.



Агар сиз тадқиқотларнинг доимий қатнашчиси бўлишни истасангиз, яъни почта орқали анкеталар олишни, уларга жавоб беришни ва яна қайтариб юборишни истасангиз ўз маконингиз, фамилиянгиз, исмингиз ва отангизнинг исмини тўла ёзишингиз мумкин.

МАНА ШУ СЎРОВДА ҚАТНАШГАНЛИГИНГИЗ УЧУН СИЗГА СИДҚИДИЛДАН ТАШАККУРИМИЗНИ ИЗҲОР ЭТАМИЗ.

«ЎЗБЕКИСТОН» ДЕЯ АТАЛУР



Еш санъат соҳиблари ҳақида сўз юритганда уларнинг ҳар томонга эгилувчан ижодларини кўкларга кўтаришни одат қилиб олганмиз. Зеро, бундай мақтовлар кимнингдир ижодига салбий, кимникигадир ижобий таъсир қилади. Табиийки, бундай ҳоллар жумҳуриятимиз ёш санъат соҳибларининг келгуси ижодида аниқ намоён бўлади.

«Ўзбекистон» деб аталган мазкур ансамблда тўрт киши фаолият кўрсатишмоқда. Булар бастакор Алишер Икромов, Саид Хўжаев, Нормуҳаммад Исоқов ва Ботир Раимжоновлардир. Ҳозирга келиб жаҳонда қўшиқ куйлашнинг юзга яқин усуллари бор. Булар қаторига жаз, поп рок, софт рок каби усуллар ҳам киради. «Ўзбекистон» ансамбли эса сўнгги усулда — яъни софт рок усулида ижод қилади. Софт рокнинг асл маъноси юмшоқ куй деганидир.

Ансамбль мазкур усулда ижод қилаётганига бир йил бўлди. Тўғрисини айтиш керак, ансамбль хорижда шу усулда ижод қиладиган жамоаларнинг давомчиси ҳисобланади. Билли Джойл, Лайна Ричард, Вандер, Крис, Норман каби жаҳон юлдузларининг софт рок усулида ижод қилишлари «Ўзбекистон» ансамблининг фаолиятига ижобий таъсир этди.

«Ўзбекистон» ансамбли ташкил этилгандан буён жумҳурият радиосининг чет эллар бўлими орқали дунёнинг 20 дан ортиқ давлатига ўз концерт программаларини эшиттирган. Шу билан бирга қисқа тўлқинлар ҳамда ойнаи жаҳон орқали ансамбль ижросидаги қўшиқлар тингловчиларга тақдим этиб турилади.

Фурсатдан фойдаланиб, ансамблнинг бадиий раҳбари бастакор Алишер Икромов ҳақида бир-икки оғиз сўз юритсак.

Алишер Икромов ёш бастакорлардан бири бўлишига қарамай, замонавий куйларни басталаш билан бирга моҳир пиониночидир. У фақат софт рок усулида эмас, балки жаҳон мусиқаларининг ҳар қандай усулини маҳорат билан ижро этадиган мусиқачи. У жаз, металл, диско, миллий халқ усулларида, классик симфония куйларини қиёмига етказиб ижро этади. Алишер Москва консерваториясида машҳур бастакор Тихон Хренников курсида таҳсил олган. У фақт рояль эмас, балки шу каби кўпгина замонавий электр асбобларини чала оладиган ижрочи—бастакордир... Бастакор сифатида Алишер Икромов билан кўпгина профессионал хонандалар ҳамкорлик қилишади.

Ансамбль оз муддатда шаклланди. Балки ансамбль аъзоларининг ёшлари тенг бўлганлиги, бир-бирининг фикрларини тезда илғаб одишлари ёшларни ўзига ром этувчи яхши-яхши янги асарлар яратиш имконини берар. Тўртовлон ҳам ўта камтарлиги, одамийлиги билан кўпгина мусиқачиларга, хонандаларга ўрнак бўла олади. Бу ҳали кўпгина санъаткорларда бўлмаган ўта танқис хусусиятлардан биридир. Кўпчилик санъаткорлар ўзларининг санъатлари билан ялт этмасалар ҳам, одамийлик хусусиятлари билан инсонлар ўртасида обрў қозонишади. Баъзилари эса санъатлари билан ҳам, одамийлик хусусиятлари билан ҳам ялт этолмайдилар-у, фақат «манман»лик билан шуғулланадилар. Бу эса уларга нафақат санъаткор сифатидаги, балки инсон сифатидаги номларига ҳам путур етказади...

«Ўзбекистон» ансамбли студия миқёсида Мария Малакова, Гўзал Бурҳонова, Роза Бобоева каби ёш, иқтидорли хонандалар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Ансамбль фақат студия миқёсида эмас, балки жонли усулда ҳм концертлар бермоқда.

— Ансамблимиз аввалига уч кишидан иборат эди, —деб ҳикоя қилади ансамблнинг бастакори, хонандаси ва созандаси Саид Хўжаев. —Алишер Икромов, Нормуҳаммад Исоқов ва мен. Кейинчалик бас гитарачи Ботир Раимжонов ҳам бизга қўшилди. Ботир ва Нурмуҳаммад ҳам хонанда, ҳам маҳоратли мусиқачи эканликларини яхши биламиз. Бизнинг қўшиқларимиз ёшларга яқинроқ. Қўшиқларни миллийлигича қолдириб, унга фақат эстрада куйларининг жўрлигини қўшамиз... Яқин-яқинларгача бизда эстрада ансамбллари жуда кўп, деб юрардик. Аслидачи, аслида жаҳон юлдузлари қаторидан ўрин олган, оладиган ансамбллар деярли йўқ эканлиги маълум бўлиб қоди. Хоҳлардикки, ўшандай таъналарга чек қўйилиб, юксак техник камолотга эга ансамблларнинг сони кўпайиб борса...

«Ўзбекистон» ансамблининг аксарият куй ва қўшиқларини иштирокчиларнинг ўзлари битишган. «Ўзбекистон», «Дилором», «Меҳмон тилаги», «Она», «Муҳаббат осмони» каби қўшиқлар кенг ихлосмандлар ҳукмига ҳавола этилган. Ўйлаймизки, эндиликда «Ўзбекистон» ансамблининг ҳар бир чиқиши мухлислар томонидан илиқ кутиб олинади.

Дилшод ЖАЛОЛОВ.

СУРАТДА: ансамбль аъзолари Саид Хўжаев (чапда), Нормуҳаммад Исоқов ва унинг ўғли.

А. ЖДАНОВ сурати.

ОҚҚУШ, ҚИСҚИЧБАҚА ВА ЧЎРТАН БАЛИҚ ТЎҒРИСИДА ЯНГИ ЭРТАК

Бекатдан бир сўм топиб, тунов кун қолдим ўйлаб,
Ҳеч ким кўрмадимикан, боқдим ён-верга бўйлаб.
Тик боқолмай сергумон оломоннинг кўзига
Қайтарай, дедим пулни турганларнинг ўзига.
Каминанинг ҳазилин англашар дея зора
«Одамлар, — дедим, — сизга бермоқчиман мен пора».
Шу дам автобус тўхтаб, кетди ҳамма ёқ чангиб
Кўплар унга чиқмади, билмам недандир гангиб.
«Олиб қолинг, одамлар, ошкоралик замони, —
Дедим — ҳотамтойликнинг йўқ-ку ёмон томони».
Англашмади, биттаси четга носин туф-туфлаб,
Ҳе йўқ, бе йўқ, шарт келиб, олди ёқамдан жуфтлаб.
«Секинроқ», дея тилим калимага борганда
Шапалоқ тортди акам, ишлар экан «орган»да.
«Афтинг қурсин-порахўр, тезроқ ер ютсин, — сени,»
Қарғай кетди бир жувон, бўйндан ўзиб эни.
— «Депутатман мен — деди, — халқ қўйган
мени сайлаб»,
Қўлин ўтказиб олди, бири мушукдай пойлаб.
Оғзида ўттиз икки қизғиш тиши ялтираб,
Ёпишди яна бири қолдим буткул қалтираб.
«Врачман, деди. Унга келтирсам керак фойда —
Аҳмоқ у, йўқса пора берарми гавжум жойда».
Учовлон уч томондан ўликларин ортишиб,
Мен-ла боради, дея қолқшдилар тортишиб.
Бир чол луқма ташлади: «Тушунолмадим сирга.
Керакли ерга уни олиб борингиз бирга».
Қовоқли акам деди: «Тўғри юрса ўлармн,
Эҳтимол беш-ўн мингдир порасининг кўлами».
«Бекор гап — деди жувон, — туф-ей унинг рангига,
Бўлса минг бордир, қаранг, туфлисининг чангига.
Нима қиласиз уни махсус ерга етказиб.
Кимсан терговчиларнинг обрўйини кетказиб.
Мен-ла юрса мен уни тўғри йўлларга солиб —
Юбораман, юрмайди пора кўтариб, нолиб».
Миямга фикр келди, кетсамми дедим қочиб,
Қочиб қайга борасан, кўрсатдим қўлим очиб,
Хаёли қочиб кетиб, жувон ногоҳ деди: «Вой!»
Яшиндек таъсир этди учовлонга сўлкавой.
«Сезгандим», — деди врач, — танигандим, бу шумни,
Соғ одам пора дея юрадими бир сўмни.
Шу дам автобус тўхтаб кетди ҳаммаёқ чангиб
Қўлда бир сўм, бекатда қолдим мен танҳо гангиб...

Комил ХАЛИЛОВ.

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



Инсонга ғам чеккан ёки қувончга тўлган даврда унга ҳамиша шерик бўладиган яхши ўртоқ, дугона керак. Балки бу икки ёш қалб буюк орзулар оғушида яшаб, бу кунги муаммолар ҳақида фикрлашиб келажак томон дадил қадам ташлаб бораётгандир.

Сирдош — дугона. Улар нима ҳақда сирлашиши мумкин. Балки сирли ҳиссиётлар, балки миллийлигимиз ҳақида суҳбатлашаётгандир.

Жўра БОБОРАҲМАТ
суратга олган.

ЯНГИ КИТОБЛАР

«Ҳисорнинг қирқ мўъжизаси»

Капалак ҳақида бирор бир жойда афсона эшитган ёки ўқиганингиз борми? Капалакларнинг табиат ва инсон учун нақадар катта аҳамиятини биласизми? Ёнғоқ сеҳрини Искандар Зулқарнайн эшитиб нима деб фармон берганини қаерда ўқигансиз? Мирзо Улуғбек эккан чинорлар ҳақида эшитганмисиз? Хароба қишлоқ хўжайинлари — бойўғли, Ўрта Осиё кобраси — капчабош илон ҳақида ҳикоя эшитишни истайсизми? Жайра сиҳини отишига доир муаллиф хотиралари билан танишишни истайсизми? Ҳилолкаклик, силовсин, асалхўр айиқчалар-у, асаларилар ҳақидаги билимингиз етарлими? Архарлар жангини кўрганмисиз? Холдор динозавр, сирли ғорлар, она сути эмган равоч ўсимлиги, шифобахш чашма, балиқнинг қушга ҳужуми, оқ ва кўк турналар, Ойбек севган булбуллар ҳақида ҳикоя ўқишни истайсизми?

Агар сиз Акрам Аминовнинг «Ҳисорнинг қирқ мўъжизаси» китобини олиб ўқисангиз, шу саволларга жавоб топа оласиз.

Қашқа воҳасининг Ҳисор қўриқхонаси тоғ этакларидаги табиат гўзаллиги-ю, йўқолиб бораётган ёввойи ҳайвонлари ва бошқа сирли мўъжизалари ҳақида ҳикоя этувчи бу янги асарнинг сизда табиатга нисбатан меҳр уйғотишига аминмиз.

Ушбу китоб яқиндагина «Юлдузча» нашриётида чоп этилиб, китоб дўконларига сотувга чиқарилди.

Б. ТУРДИЕВ.

МУНАЖЖИМ ЙЎЛ КЎРСАТАДИ

Мунажжимлик, Риёзиёт илми тарихи каби жуда қўҳнадир. У эрамиздан аввалги даврга бориб тақалади. Донишманд бобокалонларимиз юлдузлар ва сайёралар ҳаракати инсон тақдирига таъсир этишига ҳеч бир шубҳа билдиришмаган. Машаққатли даврларни, аввалдан билиш, бахтиёр дақиқалар, характеримиздаги камчиликлар, янглишмай умр йўлдоши танлаш, ўз имкониятларимиз даражасидан кўпроқ нарсаларга эришиш. Айтингчи, қай бир инсон бу «мўъжиза»дан воз кечиши мумкин.

Қайта қуриш, ошкоралик шарофати билан ҳар биримизга мавҳум «халқ» деб эмас, балки алоҳида-алоҳида инсон, индувид деб қараш имкони туғилди. Биз 70 йил инкор этиб келган дин, экстросенсорлик (бионур майдони), хирология (кафтдаги чизиқларни ўқиш), мунажжимлик (мучаллар) бугунга келиб барча замонавий илм-фан қаторида яшашга ҳақли эканини исботлади.

«Ёш ленинчи» рўзномаси муштарийларимизнинг қизиқишларини ҳисобга олиб янги ойнасўз очди. Унда сиз СССР Экстросенсорлик уюшмаси бош илмий котиби доцент Яҳё ШЕРМУҲАМЕДОВ ва экстросеанс-гипнозчи мунажжим Хайрулла ХЎЖАЕВларнинг мунажжимлик ва мучаллар ҳақидаги чиқишларни ўқиб борасиз.

АСАД ЮЛДУЗЛАРИ ТУРКУМИ

(22 июль — 23 август). Олийжанoблик. Белгиси олов, самимий мағрур характер.

Асад ойида туғилганлар мақсадга интилувчи бўлишади. Уларни танлаган йўлларидан айнитиш жуда мушкул. Умуман серғайрат, бироқ вақти-вақти билан дангасаликлари тутиб қолиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Асад ойида туғилган инсонлар улғайган сари самимий ва оққўнгил бўла боришади. Улар ҳамиша бошларини мағрур, ғоз тутишади.

Улар жуда эҳтиёткор, кўпчиликнинг олдида ҳамиша ўзларига эътиборни қарата олишади. Суҳбатни бамаъни олиб боришгани учун ҳам кўпчилик улардан маслаҳат кутади. Ўзгаларга йўл-йўриқ кўрсатиш ҳам уларга жуда ёқади.

Муҳаббат бобида улар қатъий ва бир сўзлидирлар. Агар улардаги донишмандлик ва саҳийлик қадрланмас экан улар бу ҳолдан қаттиқ азият чекишади. Бироқ, манманлик ҳам уларда йўқ эмас.

Ушбу даврда туғилганлардан яхши ташкилотчи ва раҳбар чиқиши мумкин. Ҳатто рўзғорни ҳам тўкин бошқаришади. Ҳеч қачон уларнинг ғурурини паймол қила кўрманг.

Муҳаббат хусусидаги омадсизликни улар жуда катта шараф билан кутиб олишади.

Асад ойида туғилганлар кўнгил очиш ва ўйин кулгига кўп пул сарфлашади. Улар одатда жозиба ва дабдабани ёқтиришади. Айни вақтда улар очиқ қалб ва сахий инсонлардир. Улар миш-мишларни ёқтиришмайди. Бироқ атрофдаги воқеалардан улар хабардор бўлиб туришлари лозим. Ожизларни ҳимоя қилиш ва дўстларга садоқат улар учун хос фазилатдир. Ижодкорлик, ўзига хослик ва яшашга муҳаббат уларни юксалтиради. Улар сержило, ёрқин кийинишни хуш кўришади. Кундуз куни қуёш чарақлаган вақтида уларнинг ғайрати тўлиб тошади. Улар кўп дардга чалинишади ва тез шифо топишади. Бунга ўз таналарига бўлган эътиборсизлик сабаб бўлиши мумкин.

Уларнинг ҳаётида худбинлик ва қайсарлик ҳоллари ҳам ўрин тутади.

УНВОН МУБОРАК, «ТАЛАБА»


Фарғона қишлоқ хўжалик техникумининг «Ёшлар клуби» қошида ташкил қилинган «Талаба» бадиий ташвиқот бригадаси Тошкентда ҳамда Навоий шаҳрида ўтказилган III Бутуниттифоқ фестивалида қатнашиб, биринчи ўринни эгаллаган эди.

Куни кеча Ёзёвонга яна бир хушхабар келди. Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг қарори билан «Талаба» бадиий ташвиқот бригадасига «халқ ҳаваскорлик жамоаси» деган юксак унвон берилди.

Жумҳурият техникумлари орасида бундай унвонни Фарғона қишлоқ хўжалик техникуми «Талаба»си биринчи бўлиб қўлга киритди ва у ҳозирча техникумлар ичида ягона халқ ҳаваскорлик жамоасидир.

«Талаба» энди Москвага боради, Бутуниттифоқ кўрик-конкурсида қатнашади.

М. БОЙМАТОВ.



КРОССВОРД * КРОССВОРД

Ёйлар бўйича ўнгга: 1. Сайроқи қуш. 2. Ҳаққоният, одиллик. 4. Дуккаклик экин ҳосилидан димлаб пишириладиган миллий таом. 6. Маблағ атамасининг маънодоши. 9. Омад, толе. 10. «Меҳробдан чаён» тарихий романи қаҳрамони. 12. Дунё, мавжудот. 14. Фан ва техниканинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ умумлашган тармоғи. 18. Айлананинг маркази билан оралиқ ўлчами. 19. Шамсия йил ҳисобидаги ой номи. 24. Электр миқдори.

Ёйлар бўйича чапга: 1. Тафаккур шакли ва қонунлари ҳақидаги фан. 3. Уруғидан хушбўй эфир мойи олинадиган бир йиллик ўсимлик. 5. Европадаги давлат пойтахти. 11. Иноқ, аҳил. 13. Юксак инсоний фазилат, қадр-қиммат. 16. Мисрнинг Ўрта денгизи соҳилидаги шаҳар. 20. Шафтоли нави.

ЭНИГА: 7. Қуйма буюмга шакл берадиган мослама. 8. От-улов абзали. 21. Каптарлар оиласига мансуб қуш. 22. Сўз туркуми.

БЎЙИГА: 5. Узум нави. 6. Мўйнали кемирувчи ноёб жонивор. 15. Кўркам патли қуш. 17. Ижтимоий текшириш, синов.

Тузувчи
Фозилжон ОРИПОВ.

КРОССВОРД * КРОССВОРД

ИККИНЧИ ЛИГАДА НИМА ГАП?

Мамлакат чемпионатида қатнашаётган иккинчи лига командалари ўртасида кураш янада кучаймоқда. Ҳозирча шарқий зонада «Мелиоратор» командаси 23 ўйиндан 29 очко жамғариб биринчи, Фарғонанинг «Нефтяник» командаси 21 ўйиндан 28 очко тўплаб иккинчи ўринда боришяпти. «Океан» ҳисобида эса (20 ўйин) 28 очко бор. У учинчи ўринда. СССР Футбол федерациясининг ижроия қўмитаси қарорига биноан бу йил иккинчи лиганинг шарқий, шимолий ва марказий зоналари ўйинларида 1 ва 2-ўринларни эгаллаган командалар келаси йили биринчи лигада тўп сурадилар.

ТВ

12 АВГУСТ — ЯКШАНБА

● УзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

* * *

10.00 «Содиқ дўстим, Санчо». Бадиий фильм. 11.20 «Яшил чироқ». Йўл ҳаракати қоидалари ҳақида. 11.50 С. Сиёев. «Бозор кўрмаган йигит». Видеофильм. 13.10 «Алифбо сабоқлари» (такрор.). 13.45 «Деҳқон юмушлари». 14.15 Сурхондарё вилояти Олтинсой ноҳиясидаги «Оқарбулоқ» ҳамда «Лола» дасталарининг концерти.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.

Қувноқ ўтсин таътиллар

18.05 «Вахтли Григорий». Мультфильм. 18.15 Болалар учун концерт. 18.55 «Фан уфқлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Мультипанорама». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Муҳаббат риштаси». Бадиий фильм. 2-серия. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот. 10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама. 10.15 «Китобчанинг викторинаси». 10.55 «Валерий Гаврилин. Ўз куйимни басталайман». Фильм-концерт. 11.30 «Довюрак Хочбар ҳақида қисса». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Довюрак Хочбар ҳақида қисса». Бадиий фильм. 19.40 «Греция дурдоналари». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 А. Самадов. «Тонг». Теленовелла. 21.50 «Жайрон ороллар». Кинолавҳа. 22.00 «Ҳафта». Информацион программа. 22.30 «Цирк артистлари Ермолаевлар». Телефильм-концерт. 23.15 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 «Спортлото» тиражи. 8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.00 «Здоровье». 12.45 «Мусиқий киоск». 13.15 Болалар учун фильм. «Пеппи Узун пайпоқ». 2-серия. 14.20 «Полтавалик мусаввир Леонид Гусакнинг кундаликларидан». 14.30 «Изланиш». Жанговар мукофотлар билан ўз вақтида тақдирланмай қолган Улуғ Ватан уруши ветеранлари ҳақида. 15.00 «Мастера России» оммавий куйлар рус оркестрининг концерти. 15.45 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама. 17.00 «Марафон-15».

Якшанба кинозали

18.30 «Туяга апельсиннинг нима кераги бор?». Мультфильм. 19.00 «Жимжитликка кўприк». Бадиий фильм. (АҚШ). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари V Бутуниттифоқ телеконкурси.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг! 7.45 Халқ куйларидан концерт. 8.00 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун. Ф. М. Достоевский асарлари асосида адабий кўрсатув. 9.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 13.00 Москва халқаро Тинчлик марафони. 15.30 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 16.30 «Шамол». Мультфильм.

16.50 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

«Замандас» Қозоғистон ва Ўзбекистон оқинларининг айтишуви.

* * *

19.20 «Диво» афсунгар фольклор дастаси». Львовдан кўрсатилади. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Мишель ва Мишутка». 2-қисм. 19.45 «Россиянинг мунгли пейзажи». Москвалик пейзажист Г. А. Сотсков ишлари кўргазмаси ҳақида. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 21.00 «Варшава кабутарлари». Телевизион бадиий фильм (Польша). 22.10 Отиш спорти бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.

Муҳаррир ўринбосари Фарруҳ РАҲИМОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23520.